

Иккинчи жаҳон уруши йиллари даврида издан чиккан Ўзбекистоннинг иктисодиёти урушдан кейинги 1946-1950 йиллари гоят кескинлашган халқаро вазиятда кайта тик-лана бошлади.

Мамлакатнинг ички ресурслари, табиий бойликлари ва арзон ишчи кучини гоят кучли эксплуатация қилиш эвазига, хорижий сармоялардан бош тортган ҳолда олиб борилган иктисодиётни тиклаш халқ бошига оғир кунларни келтирди. Ўзбекистон халқ хўжалигини тиклаш ишлари совет ҳукуматининг зўр бериб қуролланиш сиёсати-га бўйсундирилди. Айни бир вақтда ўзбек халқи урушда вайрон бўлган ўлкаларни тиклашга ҳам ўз хиссасини қўшди. Уруш даврининг шарт-шароитлари сакланган ҳол-да халқнинг мардона ва фидокорона меҳнати билан беш йил ичида саноат маҳсуло-тини ишлаб чиқариш урушдан аввалги даражага етиб, деярли икки марта ошиб кетди.

Урушдан кейинги йилларда кишлоқ хўжалигини, айниқса чорвачиликни тиклаш ишлари анча оғир ўтди. 1945 йил 15 июлдаги Марказий ҳукуматнинг «Ўзбекистонда пахтачиликни тиклаш ва янада ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги қарори асо-сида пахта яққахоқимлиги кучайтирилди ва Ўзбекистоннинг марказга боғлиқлиги яна ҳам мустаҳкамланди. Об-хавонинг инжиклигига, тиклаш ишларининг кийинчиликлари-рига қарамасдан, 1950 йилги тайёрланган пахта 2.200.000 тоннага етди.

50-60-йилларда саноат ва кишлоқ хўжалигини бошқариш тизимига айрим ўзгаришлар киритилди. Жумладан, 1954-1956 йиллари иттифок микёсидаги бир қатор йи-рик қорхоналар республика ихтиёрига ўтказилди. Натижада саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг салмоғи 31 фоиздан 55 фоизга кўтарилди. Хўжаликни бошқаришда иктисодий омилларга суяниш, меҳнат манфаатдорлигини ошириш ва бошқа тадбирлар ўз самарасини бермади, чунки жамиятда туб ислохотлар ўтказилмаган эди. Саноат ва кишлоқ хўжалиги экстенсив йўл билан, яъни табиий бойликлардан ўринсиз, ҳисобсиз фойдаланиш, бутун халқнинг меҳнатини ҳаддан ортиқ эксплуатация қилиш ҳисобига 60-70-йилларда саноатнинг янги соҳалари вужудга келди.

Ўзбекистонда олтин, уран, рангли металллар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйила бошланди. Энергетика, кимё саноати ривожланди. Саноатнинг ривожланиши натижа-сида янги шаҳарлар: Навоий, Учқудук, Зарафшон, Зафаробод, Нуробод қабилар қад кўтарди. Лекин мустамлақа ҳолатидаги республиканинг ривожланаётган иктисодидан бошқалар кўпроқ манфаатдор эдилар. Сўнги ҳисоб-китобларга қараганда бевосита Иттифок министрликларига бўйсундирилган фақат олтин ва ураннын ўзидан 15 мил-лиард америка долларига тенг бойлик Марказга олиб кетилган. Ўзбекистоннинг аксарият шаҳар, кишлоқлари газлаштирилмаган ҳолда республикада қазиб чиқарилган табиий газ Россиянинг саноат марказларига етказиб берилди.

50-60-йиллари Ўзбекистонда пахта майдонини янада кенгайтириш мақсадида кўрик ва бўз ерларни ўзлаштириш ишлари олиб борилиб, 1945-1985 йиллари қарийб 2.400.000 гектар янги ерлар ўзлаштирилди. Сугориш ишларини яхшилаш учун сунъий сув омборлари қурилди.

Кишлоқ хўжалиги учун трактор, пахта териш машинаси ва бошқа техника ускуна-лари тайёрлаб берилди. Пахтачиликнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш билан бирга пахта ҳосилдорлигини ошириш учун кимёвий моддалардан чексиз фойдаланилди. Қўрилган тадбирлар натижасида 1970 йили республикада пахта майдони 1.700.000 гектарни ташкил қилди, ялпи ҳосил 4.495.000 тоннага етди.

Йирик саноат корхоналарининг вужудга келиши билан Республиканинг Иттифокка боғланиши яна ҳам кучайди. Президент И.А. Каримов: «... у пайтда Ўзбекистон бир ёклама иктисодиётга - Марказга бутунлай қарам, издан чиққан иктисодиётга эга бўлган ярим мустамлака мамлакат каторига айланган эди», дейди.

1985 йилнинг баҳорида кишлок хўжалигини бошқарув тизимига ўзгартириш кири-тилиб, меҳнатни ташкил этишнинг бригада ёки оила пудрати, ижара сингари янги шакллари жорий этилди. Лекин марказда маъмурий буйруқбозлик бошқарув тартиби сақланган ҳолда қўрилган тадбирлар, қайта қуришлар натижа бермади. Жамиятда, хусусан иктисодиётда инкирозли ҳолатлар кучая борди. Қайта қуриш деб бошланган қуруқ компания Президент И. Каримов таъбири билан айтганда, «хамма ёқни бузиб, бақир-чақир, ўгрилик, котилликни кучайтирди».

XII беш йиллик вазифалари илгариги уч беш йилликлардаги каби бажарилмай қолди. Ўзбекистонда миллий даромаднинг ўсиши 80-йиллар биринчи ярмида ўрта ҳисобда 3,3 фоизни ташкил қилган бўлса, иккинчи ярмида бу кўрсаткич 2,2 фоизни ташкил қилди. Пахта экин майдонларининг ўринсиз кенгайтирилиши ва агротехника қоидаларининг бузилиши туфайли ернинг ҳосилдорлиги пасайиб кетди. Ҳосилдорликни ошириш учун экин майдонларида ҳаддан ташқари ортиқча минерал ўғитларидан фойдаланиш оқибатида бу ерлар маълум бир вақтдан кейин батамом ярқисиз ҳолга келиб қолди. Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, Ўрта Осиёнинг йирик дарёлари сувларидан назоратсиз фойдаланиш, ўлкада ўринсиз равишда сунъий сув хавзаларининг қурилиши натижасида Орол денгизи аста-секин қуриб бошлади ва XX асрнинг энг йирик Орол қожиаси вужудга келди.

Ўзбекистоннинг иктисодий аҳолидаги ноҳуш ҳолатларнинг ижтимоий оқибатлари ниҳоятда оғир бўлди. Ўлканинг ўзига хос демографик ҳолати ҳисобга олинмасдан давлат бюджетидан ижтимоий соҳага ажратилган маблағ қолдиқ принципига асо-сланиб йилдан-йилга қисқариб борди. Таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш масалаларида микдорий ўсишлар кўзга ташланганлиги билан, аслида булар инсон талабини қондирмас эди. Республика бу соҳалардаги кўрсаткичлар бўйича Иттифокдаги 15 республика ўртасида 13-14 ўринларда турди.

80-йилларда фан, маданият ва халқ таълимига ажратилган харажатлар давлат бюджетининг атиги 2,7 фоизини ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 1989 йили Евро-па мамлакатларида 5,5 фоизни, Африка мамлакатларида 5,4 фоизни ташкил қилган. Болалар ўлими, ошқозон-ичак ва юқумли касалликлар бўйича Ўзбекистон СССР да биринчилар қаторини эгаллади. Аҳолининг ўртача ёши 1970 йил 72 ёш бўлса, 1980 йили бу кўрсаткич 67,7 ёшни ташкил қилди. Бунга асосий сабаб экологик вазиятнинг кескинлашуви бўлди. Жафоқаш ўзбек халқининг турмуш даражаси ачинарли аҳволда бўлиб, бошқа республикалар билан қиёслаганда охириги ўринларда эди. Бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас эди.

Давлат бош эксплуататор ролини бажарган социалистик тизимда меҳнат аҳли ўз қучи билан яратган маҳсулотнинг атиги 25-30 фоизи хажмидагина ҳақ олди. Совет Иттифоқининг саноат ривожланишига, ядро қурулларини ишлаб чиқариш, қоинотни ўзлаштиришдаги ютуқларига қатта ҳисса қўшган Ўзбекистоннинг миллион тонналаб пахтаси, минг тонналаб олтин, қумуш, уранлари учун Марказ у билан ноҳақ, сурбет-ларча, адолатсиз ҳисоб-қитоб қилди. Ўша даврнинг меҳнат илгорлари совет тизими-даги социал сиёсатнинг оғир оқибатларини ҳали ҳам қўришяпти.

